



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 6-oktabr, payshanba,
117 (23.684)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Ёмонлар даврасида бўлсанг, дунё кўзингга ёмон кўринади. Яхши одам билан суҳбатлашсанг, ҳаётга меҳринг жушади. Сабри, оқил одамлар иккала ҳолатга ҳам ҳаяжонсиз, совуққонлик билан муносабатда бўлади.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) https://twitter.com/zarnews_uz

БОКУ ва САМАРҚАНД янада яқинлашди

Озарбайжоннинг "Azal Airlines" авиакомпанияси Боку ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри қатновни йўлга қўйди.



Ушбу йўналишдаги биринчи парвозни амалга оширган ҳаво кемаси 5 октябрь оқшомида Самарқанд халқаро аэропортига келиб қўнди.

Самарқандда илк рейс ва Azal авиакомпанияси вакиллари вилоят ҳокимлиги, Озарбайжон миллий маданий маркази, Uzbekistan Airports ва Air Marakanda авиакомпаниялари масъулари кутиб олди. Меҳмонлар ва юртимиз вакиллари мазкур рейс азалий қардош халқларимиз ўртасидаги муносабатни янада мустаҳкамлаш ҳамда Самарқанд ва Боку шаҳарларида туризми ривожлантиришга хизмат

қилишини таъкидлади. Ушбу йўналиш бўйича парвозлар Airbus A320 самолётларида ҳафтада икки марта: сешанба ва жума кунлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Озарбайжон авиаташувчиси томонидан Бокудан Тошкентга ҳафтанинг пайшанба ва яқшанба кунлари мунтазам қатновлар йўлга қўйилган эди. Эндиликда Самарқанд ва Боку ўртасида ҳам шундай авиаташув жорий этилди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 1 октябрдан Самарқанд халқаро аэропорти "Оқчиқ осмон" режимида ишлаб боради.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги ташаббуси билан Самарқандда илк бор "Ўзбекистонда реставрация санъатини қайта тиклаш, маданий мерос ва маданий ёдгорликларни асрашга доир долзарб масалалар" мавзусида реставраторлар семинари ўтказилмоқда.

Халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини акс эттирвчи ноёб ва нодир маданий меросни асраб-авайлашни кучайтириш, соҳани рақамлаштириш, инновацион ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини самарали қўллаш чораларини кўриб чиқиш мақсадида ташкил этилган тадбирда юртимиздаги реставратор усталар иштирок этмоқда.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - Туризм ва маданий мерос вазири А.Абдуҳакимов кириш сўзи билан очди.

Мамлакатимизга сайёҳларнинг аксарияти аждодларимиз томонидан бунёд этилган муҳташам санъат асарларини ўз кўзи билан кўриш, улардаги улғурликни ҳис қилиш учун ташир буоради, - деди А.Абдуҳакимов. - Лекин маданий мерос объектлари, тарихий обидалар бу фақатгина туризм объекти эмас, биринчи навбатда, халқимизнинг бойлиги ҳисобланади. Уларда буюқ тарихимиз, маданиятимиз акс этган ва уни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш бизнинг вазифамиздир. Аммо маданий мерос объектларини таъмирлаш жуда нозик иш. Бунга ўз ишининг усталарини, миллий меъморчилигимиз мутахассисларини жалб этиш зарур. Акс ҳолда, тарихий обидаларимизни тиклаш ўрнига, уларга тузатиб бўлмайдиган даражада зарар етказишимиз мумкин.

Семинарда соҳада мутахассислар етишмаслиги, айрим ҳолларда тарихий обидаларни таъмирлаш, тиклаш ишлари маданий мерос қиймати, қадрини тушунайдиган шахсларга топшириладигани қайд этилди. Меъморчилик санъатининг дурдоналарини реставрация қилман, таъмирлайман деб тарихий, бадий қийматига шикаст етказилган ҳолатлар ҳам бўлган.

Бош вазири ўринбосари ушбу семинар орқали соҳадаги келгуси ўн йиллик мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш, Ўзбекистон реставрация санъатини бутун дунёга



ЮРТИМИЗ РЕСТАВРАТОРЛАРИ САМАРҚАНДА ЖАМ БЎЛДИ

тараннум этиш кўзда тутилганини таъкидлади. Азим Абдуҳакимов шунингдек, яқин вақтлар ичида Ўрта Осиё реставраторлари курултойини ташкил этишни таклиф қилди.

Икки кун давом этадиган семинарда маданий мерос объектларини асрашга доир ишларга малакали уста реставраторларни жалб қилиш, Ўзбекистон имижини кўтариш, ютуқларни омаллаштириш, соҳадаги камчиликларни

муҳокама қилиш ва бартафоз этиш чораларини кўриш ҳамда анъанавий реставрация услубларини қайта тиклаш масалалари кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Анжуман давомида иштирокчилар Самарқанд туманидаги "Кониғил" туризм қишлоғи, "Буюқ ипак йўли" халқаро туризм маркази, Амир Темур макбараси, Регистон мажмуаси ва бошқа маданий мерос объектларида бўлади. **Ҳусан ЭЛТОЕВ.**

Нуронийлар эъзозда

Октябрь ойининг дастлабки ҳафтасида юртимизда "Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш - халқимизга хос эзгу фазилат" ғояси остида "Кексалар ҳафталиги" ўтказилмоқда. Вилоятимизда ҳам ҳафталик доирасида маданий-маърифий ва хайрия тадбирлари, нуронийлар ва ёшлар учрашувлари, саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги "Саховат уйи"да ўтказилган тадбирда вилоят Нуронийлар кенгаши фаоллари, самарқандлик ижодкорлар мазкур муассасада яшовчи фахрийлар билан дилдан суҳбат қурди, уларга совғалар топширилди.

Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан ҳисобланади, - дейди Самарқанд вилояти маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши раиси

Ш.Негматов. - Бугун бу фазилат давлат эътибори даражасига кўтарилди. Кейинги йилларда анъанавий ўтказилаётган мазкур ҳафталик ҳам ана шу эътибор натижасидир. Шу кунларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида ҳафталик доирасидаги тадбирлар давом этмоқда. Дастлабки уч кунда 4500 нафар кекса авлод вакиллари юртимиз бўйлаб саёҳатлари уюштирилди, 1600 нафардан ортиқ бемор, тўшақда ётиб қолган нуронийлар ҳолидан хабар олинди.

(Давоми 3-саҳифада) >>>

Адабий мулоқот

Самарқанд давлат университетида бугунги адабий жараён ва Самарқанд ижодий муҳити анъаналарига бағишланган ижодий учрашув ўтказилди.

Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуллов ҳамда самарқандлик ижодкорлар, адабиётшунос олимлар ва университет талаба-ёшлари иштирок этди.



Адабиётимиз - бойлигимиз

Учрашувда Самарқанд ижодий муҳити ва бу ерда камол топган ижодкорлар, уларнинг мамлакатимиз адабий жараёнидаги ўрни ва таъсири, бугун етишиб келаётган ёшлар ижоди ҳақида сўз юритилди. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Бизнинг энг катта бойлигимиз - адабиётимиз, ижодимиз. Шу орқали халқимизга хизмат қиламиз, китобхонлар қалбига эзгу ғояларни синдиришга интиламиз, - деди ёзувчи Эркин Аъзам. - Адабиётнинг қудрати ҳам шунда. Тўғри, бугун замонавий ахборот технологиялари

орқали амалга ошади. Бунга эса адабиёт бажаради. Китоб, у қоғоз ҳолида бўладими, электрон шаклдами, ижод маҳсули, фикрлар, қарашларнинг қаймоғи. Бадий асар орқали одамларни тарбиялаш, тўғри йўлга бошлаш, ҳеч бўлмаганда ён-атрофидани воқеа-ҳодисалардан ҳулоса қилиб, ўз йўлини топишга ундаш мумкин. Адабий жараён шуниси билан характерли, шуниси билан муҳим.

Самарқанд замини тарихий улғурлиги ва буюқ алломуларга бешик бўлгани билан ижодкорларга ўзгача илҳом бағишлайди, - деди шоир Усмон Азим. - Ҳар гал бу ерда келганимизда кўн-

гинал, кишини ўйлантиради, хайратга солади.

Учрашувда Уругтада туғилиб ўсган ва пойтахтда турли масъул вазифаларда ишлаган таниқли журналист, ёзувчи Маматқул Ҳазратқулловнинг ижоди, кейинги йилларда чоп этилган китоблари ҳақида ҳам сўз юритилди. Усмон Азим томонидан ўқилган шеърлар, Эркин Аъзам асарларидан келтирилган иқтибослар иштирокчиларга кўтаринклик бағишланди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари Х.Бобомуродова, Ф.Тошев, адабиётшунос олим Ҳ.Умуров ва бошқалар элимиз ардоғидаги ижодкорларга миннатдорлик

Ғурур ва масъулият ҳисси

"Шахсан мен ўқитувчи деганда - замон билан ҳамқадам бўлган жонқуяр, зиёли шахсни, мактаб деганда - билим ва маърифат ёғдуси таралиб турадиган, Учинчи Ренессанс пойдевори қўйиладиган табарруқ масканини кўз олдимга келтираман".



Давлатимиз раҳбарининг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган бу йилги табриғидаги ушбу сўзларни эшитиб, аввало, қалбимда фахр туйиш билан бирга улкан масъулиятни ҳис қилдим. Сабаби, Президентимиз ўқитувчининг даражаси ва мақомини улғулаш билан бирга, мактабнинг бугун барчамиз учун буюқ мақсад бўлган Учинчи Ренессанс пойдевори қўйиладиган қутлуғ маскан эканлигини эслатган.

Аслида, бу гоё кейинги йилларда юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосини ташкил этади. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида барча соҳаларда ўзгаришлар, янгиликлар кузатилаётган. Лекин бу борада таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг қўламини бошқа тармоқларга нисбатан жуда кенг ва катта, назаримда. Бу ислохотлар жараёнида таълимнинг энг қуйи тизими - мактабга таълимдан, энг юқориси - олий ва академик таълимгача, муассасаларнинг моддий-техника базасидан соҳа ходимларининг мақомига эътибор қаратилмоқда. Пировард мақсад ягона - таълим сифатини ошириш, ҳар

томонлама баркамол, замонавий илмлардан хабардор ёшларни тарбиялаш, янги Берунийлар, Ибн Синолар, Замахшарийлар, Хоразмийлар авлодини яратиш.

Бизнинг жамоамиз ҳам ана шу мақсадни теран англаган ҳолда, зиммамиздаги масъулиятни ҳис қилиб, фаолият олиб бораёلمиз. Айни пайтда мактабимизда 790 нафар ўқувчи таълим олмақда. Уларга 47 нафар педагог ходимлар сабоқ беради. Ўқитувчиларимизнинг 4 нафари олий, 9 нафари биринчи ва 19 нафари иккинчи тоифага эга. Нима учун бунга айтаман? Сабаби, яқин йилларгача ўқитувчиларнинг тоифаси бор-йўқлиги кўп

Муносабат

этиборга олинмас, педагогларнинг ўзи ҳам бундан манфаатдор эмасди. Кейинги ислохотлар натижасида тоифали ўқитувчиларга устама тўланаши, рағбатлантириб борилиши бу тизимга муносабатни ўзгартирди. Тўғри-да, тоифа олиш учун ўқитувчи изланади, ўз устида ишлайди, эскича қарашлар билан қотиб қолмайди, керак бўлса, ҳар кунни нимадир янгилик ўрганишга ва уни ўқувчиларга етказишга интилади. Бундан ким ютади - аввало, ўқувчи, у малакали ўқитувчидан сабоқ олиб, билимларини бойитади.

Ўтган ўқув йилида 42 нафар битирувчимиздан 3 нафари мактабни олтин медаль билан битирди, 4 нафари мударатдан олдин нуфузли олийгоҳлар талабаси бўлди. Олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган 29 нафар битирувчимизнинг 21 нафари университет ва институтлар талабаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг табриғида Янги Ўзбекистоннинг мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларини эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқарашни кенг шакл бўлиб шаклланиши зарурлиги асосий мақсадимиз бўлиши таъкидланган.

Бизнинг жамоамиз ҳам яратиб берилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ушбу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилишга бел боғлаган.

Нигора СУЙРОВА,
Самарқанд шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби директори.



ривожланди, кенг омаллашди. Ахборот олиш ва тарқатиш имкониятлари кенгайди, осонлашди. Аммо ҳеч қандай техника, технология ёрдамида инсоннинг тафаккурини бойитиб, дунёқарашини кенгайтириб бўлмайди. Бу фикрлар орқали, ўқиш, ўқиш

лимида янги асарлар учун ғоялар туғилади. Кейинги йилларда вилоят ёшлари орасидан адабиёт оламига илдан қадамлар билан кириб бораётган илгир-қизларнинг ижодини кузатиб, қувонаман. Уларнинг шеърларидаги ташбехлар, топилмалар ори-

билдирди. Талабалар ўзларини қизиқтирган қўллаб-саволларига меҳмонлардан жавоб олди.

Пойтахтдан келган шоир ва ёзувчилар куннинг иккинчи ярмида Жомбой тумани аҳолиси ва ёшлар билан ижодий учрашув ўтказди.

Давлат хизматидан фойдаланишда

электрон рақамли имзо бўлиши шарт эмас

Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахсларни идентификациялашнинг Мобил-ID тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори электрон шаклда фойдаланиш мумкин бўлган давлат хизматлари бўйича аҳолига янги қулайлик яратади.

Аввало, қайд этиш лозим, Мобил-ID тизими шахсни унинг мобил телефон рақами орқали идентификациялашни назарда тутди. Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тизим аҳолининг масофадан туриб, электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Давлат хизматларини ривожлантириш соҳасидаги халқаро рейтингларда эса Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Савол туғилиши мумкин, бу аҳолига нима беради?

Шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими фойдаланувчилари электрон рақамли имзони қўламаган ҳолда барча давлат хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Тизимда рўйхатга олиш, яъни шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра, давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора томонидан ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)нинг мобил иловаси орқали амалга оширилади.

Бунда фуқаро бевосита давлат хизматлари маркази ёки нотариал идорага мурожаат қилганда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида фуқаронинг ози, қўл бармоғи изи олинади ва мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга боғланади.

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фойдаланувчи томонидан ЯИДХПнинг мобил иловасидан фойдаланилганда масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) усули ёки ID-картадаги электрон рақамли имзо қўлланилади ҳамда мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга бепул боғланади. Бунда фойдаланувчи масофадан туриб, Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтиш учун ЯИДХПнинг мобил иловасидан фойдаланади ҳамда электрон шаклдаги сўровномани тўлдирди.

ЯИДХПнинг мобил иловаси орқали фойдаланувчини Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтказишда тақдим этилаётган мобил телефон рақами айнан мурожаат қилаётган фойдаланувчи номига расмийлаштирилган бўлиши зарур.

Эслатиб ўтамиз, давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора орқали фуқароларни Мобил-ID тизимига идентификация қилиш жорий йил 31 декабр гача бепул, 2023 йил 1 январдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдоридан бир марталик тўлов ундирган ҳолда амалга оширилади.

Фойдаланувчилар Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги

177-сон қарорига мувофиқ, бириктирилган ЖШШИРга ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги мобил алоқа операторлари томонидан берилган мобил телефон рақамга (ҳисоб баланси фаол бўлган ҳолда) эга бўлиши зарур.

Фуқаро бир нечта мобил телефон рақамларига эга бўлганда, унинг танловига асосан фақат бир мобил телефон рақами Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтказилади.

Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтгандан кейин “Тасдиқланган фойдаланувчи” мақомини олади ва барча электрон давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлади (кредитлаш соҳасида кўрсатилмайдиган молиявий хизматлар бундан мустасно).

Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтишни ишонччино асосида ёки вақил орқали амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Савол бўлиши мумкин, тизимдан қандай мақсадларда фойдаланилади?

- OneID тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларнинг портал ва ахборот тизимларига қилинган фойдаланувчиларнинг шахсини тасдиқлаш (аутентификация қилиш);

- Мобил-ID тизимидан фойдаланаётган фойдаланувчининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш (верификация қилиш);

- электрон давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича фойдаланувчилар томонидан берилган аризаларни тасдиқлаш;

- фойдаланувчи ўзининг шахсига доир маълумотларни давлат органлари ва ташкилотлари “Электрон ҳукумат” тизими орқали олганда, бу ҳақда хабарномалар қабул қилиш;

- фойдаланувчи ўзининг шахсига доир маълумотларини давлат органлари ва ташкилотлари, ҳўжалик бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар “Электрон ҳукумат” тизими орқали олиши учун рухсат бериш; қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

Мобил-ID тизими орқали хизматлардан фойдаланишда тизимда идентификациядан ўтган мобил телефон рақамига бир марталик уникал кодли SMS-хабар юборилади ва ушбу код тизимга киритилганда хизматдан фойдаланиш мумкин бўлади.

Мобил-ID тизимидаги идентификациянинг мuddати чекланмайди, шахс- фойдаланувчининг ўзи исталган вақтда ва хоҳишига кўра, давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХПнинг мобил иловаси орқали идентификацияни бекор қилиши мумкин.

Ориф МУҲАММАДИЕВ,
вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.



Бир рақам шарҳи

2022 йилда вилоят бўйича 143 та (шундан, 31 таси йилдан-йилга ўтувчи, 112 таси янгидан бошланувчи) объектни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Аҳоли муаммоларига ечим топилди

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Бугун ушбу ҳаётбахш тамойил асосида олиб борилаётган ишлар натижасида жойларда сайёр қабуллар ўтказилиб, одамларни қийнаб келаётган кўплаб муаммоларга ечим топилмоқда. Бу эса аҳолига қулай яшаш шароитлари яратиш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш имконини бермоқда. Шу билан бирга, аҳолининг давлат идораларига ишончи ортмоқда.

Жумладан, жорий йилда ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан тузилган Республика ишчи гуруҳи томонидан вилоятимизда ўрганишлар олиб борилган эди. Ушбу жараёнда аҳоли томонидан билдирилган мурожаатлар, қайд этилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида айни пайтда зарур чоралар қўрилмоқда.

Хусусан, маҳаллалардаги ички йўллارни таъмирлаш, аҳолини ичимлик суви, суюлтирилган газ билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги Дукчиён маҳалласи аҳолисини кўп йилдан буён йўл муаммоси қийнаб келарди. Республика ишчи гуруҳининг ўрганишларидан сўнг мазкур маҳалладаги саккизта ички кўча тўлиқ асфальтланди. 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига маҳалланин йўллари текис ва раво бўлди.

Нарпай туманидаги Оқбош қишлоғи аҳолиси ҳам ички йўллarning қишда лой, ёзда чанг бўлишидан азият чекарди. Айниқса, болалар мактабга бориб-келишда кўп қийинчиликларга дуч келарди. Эндиликда қишлоқ аҳолининг бу муаммосига



барҳам берилди. - 2,8 километр ички йўллarga қум-шағал тўшалиб, қишлоқ кўчалари тартибга келтирилди, - дейди Нарпай тумани ҳокими ўринбосари Достон Зиядуллаев. - Бундан ташқари, аҳолининг электр энергияси таъминотини яхшилаш мақса-

95 ёшида китоб ўқиб ўтирган онахоннинг ҳаёт йўли баъзи китоб қаҳрамонлариникидан ҳам мураккаб кечган. Аянинг ҳозир, шу ёшида ҳам беда ўраётганига гувоҳ бўлиб ҳайратингиз оша, ёшлигида, пахта далаларидаги кечмишларини эшитсангиз, янада ҳайратланасиз. Паст Дарғом тумани Катта Найман маҳалласида истиқомат қилувчи Саломат ая Амирова бу кечмишларнинг ҳаммасини хотирлайди ва бирор-бир муболаға қўшмай гапириб берадики, беихтиёр таъсирли тарихий асар ўқиётгандай ҳайратга тушасиз, гоҳ завқланиб, гоҳ йўғлайсиз. Биз ҳам бу хотирларни Саломат аянинг тилидан сўзлаб беришга ҳаракат қилдик. Ая шунчаки деҳқон бўлмаган, илғорлиги бутун республикага машҳур, иш тажрибаси ўрнатқан бригадир эди.

ДОНГДОР БРИГАДИР, ДЕПУТАТ

95 ёшли Саломат аянинг ҳаёт йўлига назар

14 ЁШИМДА ТАБЕЛЧИ БЎЛДИМ

-Биз ҳар йили бутун синфимиз билан йўғлаб, мактаб ўқитувчимизни урушга кузатардик. Яқинларимизни кузатганимиз етмагандай, ўқитувчимизни ҳам кузатиш шунчалик оғир ботардики, анча пайт ўзимизга келолмасдик, - дея сўхбатни болалик хотираларидан бошлади Саломат ая.

- Ўқимиз наридандан бери бўлиб қоларди баъзан. Қорнимиз оч, устимиз юпун бўлсаям, бор кучимиз, эҳнимиз билан ўқирдик. Ишчи кучи етишмасди, биз болалар ҳам далада меҳнат қилардик. Хат-саводим яхшироқ бўлгандин, 14 ёшимда мени табелчи қилиб қўйишди. Эпладим, хато қилмай ишладим. Уша йиллари қишлоғимизга турли миллат вакиллари эвакуация қилинганди. Рус тилини оз-моз билганим учун уларнинг меҳнатини ҳам ҳисоб-китоб қилиб, тил топишиб ишладик.

Болалигим йўқ болалар эдик, хуллас, ҳаммамнинг аҳоли шу эди аслида. Эрта тонгдан қора тунгача меҳнат, меҳнат, меҳнат....

БИРОН ЭШИККА ЁРДАН СЎРАБ БОРМАДИМ

1948 йилда турмушга чиқдим. 1949 йилда тўнғичим Азамат дунёга келди. 1953 йилда кейинги фарзандим Шермадат туғилди. Афсуски, ўша йили турмуш ўртоғим Рўзи Жўраев урушдан орттириб келган касали туфайли бу оламдан кўз юмди. Уйда қари қайнонам, ёш қўғилларим, икки фарзандим... биттагина товуқ бор. Аҳолимиз янаям оғирлашди. Болага қарашга ким менга вақт, имкон берарди, дейсиз. Яна далага чиқиб кетдим.

Эрта саҳар чиқиб кетаман, болаларим ухлаб ётган бўлади, ярим кечаси ҳолдан тойиб келаман, улар ширин уйкуда бўлади. Болаларимни тўйиб ерқалта олмайдиган она бўлдим-а, дея кўнглим ўксиди. Болаларимга кейинчалик синглим қарай бошлади. Икки бола билан бева қолдим, лекин менга ёрдам беринглар, деб ҳеч бир эшикка бош сўқмадим, меҳнат қилаверишман...

ОЁГИМДАН КИРЗА ЭТИК ТУШМАДИ

Бригадир бўлганимдан сўнг даладан чиқолмай қолдим. Пахтазорга айланди ҳаётим. Пахта жуда инжиқ ўсимлик, доим қаровини, парвароши талаб қилади. Озгина ташлаб қўйсангиз бўлди, куздаги ҳосил чўғи пасайиб кетади.

Баъзида турли ҳашаротлар ўсимликка зарар етказса, гоҳ об-ҳаво ноқулай келиши панд берарди. Баъзида сув келиши муаммо бўлар, шу туфайли вилоятгача бориб, сув берасизларми, йўқми, деб катталар билан тортишган вақтларим бўлган. Бригадамда доим пахта плани бажарилар, бизнинг тажрибамизни ўрганишга мудом одам келарди. Текширувчилар ҳам кўп келар, шундай пайтлари доим этак кўтариб, даладан чиқиб келсам, кўпчилиги ҳайрон

қоларди. Кейин билсам, бошқа бригадирлар комиссияга чой-пой қилармиш. Мен бунақа нарсаларни ҳаёлимгаям келтирмаганман.

29 ёшимдан бошлаб бригадирлик қилган бўлсам, ҳеч қачон четда назоратчилик қилиб ўтирмадим, одамлар ишга чиқишдан бир соат олдин, улар кетгач, яна кечгача ишлардим. Оёғимда мудом кирза этик, эгнимда чит қўйлак. Деҳқон илмини зўр тушунадиган, меҳнатни қадрайдиган раислар ҳам бўлди, умуман ерни тушунмайдиغانлариям бор эди. Шунчаки меҳнатнинг ўзи бўлмасди, пахтадан, даладан учун катталарнинг олдида ҳам талашиб тортишишга тўғри келарди.

Сув келишини кўтиб, кечаси билан пойлаб чиққан вақтларимиз бўлган. Бир суткада 2-3 соатгина уҳлардик шундай пайтлари. Эҳ, одамнинг жони темирданмикан-а, нималарга чидамади-а. Бир кун қарасам, тракторда терилаётган пахта оқидан кесак кетяпти, улловда носозлик бор экан. Хуллас, ҳар кун кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Бир ёқда йўқчилик, одамлар оч аммо эртаю кеч тинмасликка мажбур.

БИР ДОНА ЧЎПГАЯМ ХИЁНАТ ҚИЛМАДИМ

Саломат ая ўтган кунларни гапириб берапти-ю, ёнида икки нафар ўғли - бири 73 ёшли Азамат хожи бобо, кенжатоғий, эл эъзозидаги ши-фокор, Шермадат ота Рўзиевларнинг икки ёнида қўл қовуштириб ўтиришларини кўриш кишига завқ бағишлайди. Энг қизиги, улар оналарининг сўзини бўлмас, бирор қўшимча қилмоқчи бўлса, онахоннинг бир нигоҳи уларнинг яна сукут сақлаб, у кишининг фикрларини тинглашда давом этиши учун етарли эди.

- 60-йилларга келибгина одамларнинг қорни тўя бошлади, - дея фикрларини давом эттиради ая. - Лекин уст-бошига қарашга ҳамон имкон йўқ эди. Бир неча марта Олий совет депутатлигига сайландим. Ҳукуматнинг қатор нишонларини олдим, “Ленин ордени” ҳам беришди. Лекин чеккан азобларимизни ҳар эсланганда инграб юборамиз-да. Болаларимга овқат пишириб беришга вақт топмасдим, синглим раҳматли барака топсин, ўзининг саккиз фарзанди билан тенг кўриб қаради. Бир дон чўпга ҳам хиёнат қилмадим, фақат ишладим.

“ЗАРБДОР” ҚУНЛАР ЎТИБ КЕТДИ, ОНА...

- Онамининг бўш ўтирганини ҳеч қачон кўрмаганмиз, - дейди аянинг тўнғич ўғли Азамат хожи ота. - Ҳатто ҳозир, шу ёшларда ҳам бекор ўтирмайди. Гоҳ китоб ўқиган, гоҳ эвараларига қараган, гоҳ томорқага кириб кетадилар. Китобни кўзоянмасиз ўқийдилар, бизларга ҳам ўқиётган асарлари мазмунини ҳалигача айтиб берадилар. Кўпинча беда ўраётганига гувоҳ бўламан. “Зарбдор” қунар ўтиб кетди, она,



ўроғингизни ташланг энди, дейман ҳазиллашиб. Назаримда, онам ҳамон ўзининг 95 дан ошганига ишонмас керак, деб ўйлайман.

Шукр, онам бизни бир ўзи катта қилган бўлсалар-да, фақат ҳалолликка ўргатдилар, иккимизни ҳам олий маълумотли қилди. Онамининг тарбиясини олганимиз учунми, қаерда ишламайлик, аввало, тўғрилик асосий маъғимиз бўлди. Шукр, онам билан улуг Ҳаж зиёратини амалга ошириш насиб этди. Буларнинг бари онамининг меҳнатлари муқофоти, деб биламан.

АТЛАС ҚЎЙЛАК ҚИЙМАГАН БРИГАД

- Кўпчилик онамининг узоқ умр кўриши, ҳозир ҳам тетиклиги, кўзоянмасиз китоб ўқишига ҳавас қилади, “Бунинг сирини нимада?”, деб сўрашади, - дейди аянинг ўғли Шермадат Рўзиев. - Мен ҳам шиқфор сифатида, ҳам онамининг ўғли сифатида кузатганларим ичидан бир фикрни кўпчилик қариндошларимиз ҳам тасдиқлайди. Онам ҳеч қачон кўнглида гина сақламайди. Кейин ўзига ёмонлик қилган одамнинг ҳам яхши томони ҳақида гапиришга ҳаракат қилади. Онамининг биров ҳақида ёмон гап айтганларини ҳеч қачон эшитмаганман. Бир уй одам бирон киши ҳақида ёмон фикр билдирса-да, онам албатта, ўша инсоннинг яхши хислатини айтиб, одамларнинг фикрини ўзгартаришга сабаб бўлади. Шунинг учун бўлса керак, бугун у киши шу ёшида ҳам тетик, шукр. Психологияда ҳам шу тушунча бор - кўнглида ёмон ҳаёл, юкни олиб юрма, ўзингга қийин бўлади, дейишади. Мен шундай ўйлайман.

Яна бир томони, онам мудом ҳалол яшади. Эгнидан чит қўйлак тушмади. Ёшлигида атлас қийиши мумкин эди, ҳарҳолда бригадалар ўша пайтлар йиғилишларга атлас қийган. Аммо онам мен беваман, деб ўзларига эп кўрмаганини ёш пайтимиз кўп эшитганмиз. Биз улғайиб, касб-корли бўлгач, мана, энди атлас, чиройли матолардан қўйлак қийинг, она, ўзимиз олиб берамиз, деб олиб келганимизда “Энди момой бўлдим, болам, атлас қийиб нима қилдим”, деганларида кўзим ёшланганди. Шу-шу онам мудом чит қўйлак қийдилар...

Бугун ўнлаб неварам, неварам келинлар, эварлар қуршовадаги онахон шу уйнинг фариштаси. Эварларнинг ҳаммасини ўзлари катта қилдилар”, дейишди фахр билан келинлар.

Саломат ая кетар чоғимизда 1994 йилда “Шўҳрат” медали билан тақдирланганини фахр билан сўзлаб берди. Яқинда вилоят ҳокими Э.Турдимов қўлидан “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини олганини, ҳокимиятга ўзим бораман, деб туриб олганини завқ билан айтиб берди. Кейин қўлини дуога кўтараркан, юртимизга тинчлик ва тўқин-сочинлик, Юртбошимизга омонлик тилаб, узундан узун тилак билдирди.

Гулруҳ МҲМИНОВА.

“Ташаббусли бюджет” ғолиблари аниқланди

Икки йилдирки, “Ташаббусли бюджет” бўйича ажратилаётган маблағлар ҳудудларда яшовчи аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишга ёрдам бермоқда.



фуқаролари иштирок этди. Бу биринчи босқичга қараганда икки баравар зиёд кўрсаткич ҳисобланади. Ташаббусли бюджет жараёнида 498034 та овоз тўлланиб, 144 та таклиф ғолиб, деб топилди.

“Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилги иккинчи босқичи учун туман ва шаҳар ҳокимликлари қошида ташкил этилган фуқаролар ташаббуси жамғармасига мазкур ҳудудларнинг тегишли бюджетларнинг тасдиқланган ҳаражатларининг 5 фоизи ҳисобидан 78,4 миллиард сўм ҳамда биринчи чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 12,6 миллиард сўм, иккинчи чоракда эса 17,7 миллиард сўм, жами 108,7 миллиард сўм маблағ ажратилди.

- Ташаббусли бюджет жараёнининг иккинчи босқичида аҳоли томонидан 2888 та таклиф илгарди сурилган бўлиб, худудий ишчи комиссиялар томонидан 1991 та таклиф овоз бериш жараёнига ўтказилди, - дейди вилоят молия бош бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Шаҳзоҳдон Турсунтошев. - Овоз бериш жараёнида вилоятимизнинг 850 мингдан ортиқ

Бунда айниқса, Самарқанд шаҳри, Иштихон ва Нуробод туманлари аҳолисини анча фаол бўлди.

Жумладан, энг кўп 15115 та овоз Нуробод тумани Тим қишлоғидан Бунёдкор маҳалласигача бўлган 5 километрлик йўлни асфальт қилиш учун йиғилган бўлса, мазкур туманининг Саэроғон маҳалласи ахли қишлоққа кириш йўлини таъмирлаш учун 14727 та овоз тўлган.

Шунингдек, вилоят бўйича 19 та умумтаълим мактаби, 30 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 11 та боғча, 16 та маҳалла биноларини ҳамда 48 та ички йўл ва бошқалар ташаббусли бюджет асосида таъмирланади.

Ғолиб таклифлар жамғармада маблағлар етқунига қадар юрқоридан пахта қараб саралаб олинади ва уларни молиялаштириш учун халқ депутатлари Кенгашлари томонидан манзилли дастурлар тайёрланади.

Дилмурод ТҲХТАЕВ.

Маданий мерос объектлари муҳофазасида

янги ёндашув ва муносабат шаклланипти

Самарқанд шаҳри бугун турли соҳаларда халқаро тadbирларга мезбонлик қилляпти. Бунда албатта, шаҳарнинг бой тарихи, қадимий маданий мероси катта ўрин тутаяди. Шундан келиб чиқиб, мавжуд маданий мерос объектларини авайлаб асраш, уларни таъмирлаш ва пардозлаш жиддий эътибор ва масъулият талаб қилади.

Вилоят матбуот уюда бўлиб ўтган матбуот анжумани шу масалаларга бағишланди.

Унда мутасаддилар оммавий ахборот воситалари вакилларига соҳада амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида бажариладиган вазифалар юзасидан маълумот берди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари – туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиги Рустам Қобилов сўнги йилларда маданий мерос объектларини авайлаб асрашга янги ёндашув ва муносабат шаклланишини таъкидлади.

– Бугунги кунда вилоятимизда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар салмоғи катта, – деди Р.Қобилов. – Аммо шу билан бирга ушбу муҳофаза объектларига эътиборсизлик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Олиб борилган ўрганиш ва чора-тадбирлар натижасида бу каби

Жорий йилда Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилати саммити ўтказилиши муносабати билан Маданий мерос агентлиги ҳузурдаги Илмий-эксперт кенгашида маълумланган лойиҳа асосида “Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси” объекти ҳудудида жойлашган Регистон ансамбли, Шохи Зинда ва Бибиҳоним мажмуалари, Амир Темуру макбараси, Улуғбек расадхонаси, Оксарой, Ҳўжа Дониёр макбараси, Рухобод мажмуаси, Ашратхона макбараси, Чорсу савдо гумбази ва Қўшқўвуз масжидларида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, анжуманда вилоятда маданият соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида вилоят маданият бошқармаси бошлиги Ш.Эшонқулов маълумот берди. Бугунги кунда бошқарма тасарруфида 79 та маданият марказлари, 1 та ихтисослаштирилган санъат мактаби, 32 та болалар мусика ва санъат мактаблари, 4 та театр ва 16 та шаҳар ва туман маданият бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Мавжуд маданият марказларида 33 хилдаги 511 та тўғрақ ташкил этилган бўлиб, мазкур тўғрақларда 5 минг 634 нафар иштирокчи, жумладан, 4 минг 44 нафар



ҳолатларнинг олди олинапти.

Матбуот анжуманида вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиги Б.Шайматов нафақат Самарқанд шаҳрида, балки чекка ҳудудларда ҳам маданий мерос объектларига эътибор қаратилаётгани, уларни таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланганини таъкидлади.

17 ёшга бўлган ёшлар қамраб олинган. Олис ҳудудлардаги маданият марказларида, болалар мусика ва санъат мактабларида атоқли ижодкор-зиёлилар, аҳоли орасида юксак ҳурматга эга санъат ва ижод вакиллари томонидан турли учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

58 маҳаллада тиббий кўрик ташкил этилиб, 300 нафарга яқин онахон ва отахонларнинг саломатлиги кўриқдан ўтказилди. 1800 нафар нурунийга дори-дармон, 39 нафарига реабилитация воситалари тарқатилди. Ҳокимликлар ва ҳомийлар ёрдамида 2200 нафар кексалар хонадонларига озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Бундан ташқари, барча маҳалларда, таълим муассасаларида нурунийлар ва ёшлар учрашувлари, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Булунгур педагогика коллежида тумандаги кекса авлод вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда юртимизда “Инсон қадрини ўқини” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар, бунда кексаларга қаратилаётган эътибор ҳақида сўз юритилди.

Нурунийлар эъзозда

– Бугунги тадбир мамлакатимизда нурунийларнинг қай даражада эътиборда эканлигини дарак беради, – дейди туман Нурунийлар жамоатчилиги кенгаши раиси Очил Аҳмедов. – Ҳафталик давомда ёлғиз кексалар хонадонини хашар асосида ободонлаштирилмоқда, малакали шифокорлар томонидан нурунийлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилляпти. Бу тадбирлар кекса авлод вакилларининг умрига умр қўшиб,



нафақат оила аъзолари, балки жамият эътибори, эъзозда бўлишини таъминлайди.

С.МАРДИЕВ.

Тўмарис издошлари беллашмоқда

Самарқанд шаҳридаги “Сартепа” спорт мажмуасида камондан отиш бўйича аёллар ўртасида “Тўмарис кубоги” иккинчи халқаро турнири старт олди.

